БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 77 (17.657). • 2 апрель 1980 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ — ЯКДИЛ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга «Қичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун Ленин мукофоти топширилиши муносабати билан меҳнаткашлар вакилларининг тантанали йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқини республикамиз ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, фан ва маданият, санъат арбоблари, барча меҳнаткашлари ва коммунистлари қизғин кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган муҳим қоида ва хулосалар ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, партиямизнинг бўлажак XXVI съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга интилаётган совет кишилари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ЖАСОРАТ МАДҲИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневга «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари учун ҳамда тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун куни кеча Ленин мукофоти топширилди. Бу қувончли воқеа биз — адабиёт аҳлини ҳам беиҳтиёр тўлқинлантирди. Чунки Леонид Ильичнинг ўзлари айтганидек, бу китобларда ҳикоя қилинган ўтмиш тажрибаси ҳозирги ва кейинги авлодлар учун жуда ҳам қиммат лидир. Бу асарларда социализм қурилишининг энг муҳим босқичлари бутун мураккабликлари билан ғоят теран ифода этилган. Биз трилогияни ўқиганимизда совет кишиси, аниқроғи, бизнинг замондошлар жасорати, фидокорлиги, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда ҳеч иккиланмасдан кўрсатган тенгсиз матонати зўр муҳаббат билан улуғланганлигининг гувоҳи бўламиз. Муаллифнинг инсонга, олдий совет кишисига — ишчига, жангчига ва галлакорга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, инсоният келажагига бўлган мустаҳкам ишончи барча қаторн мени ҳам ўзига мафтун этади.

Бу асарлар коммунизм қуриш йўлида кураш олиб бораётган совет кишиларининг олижаноблиги, фидойилиги ва жасорати ҳақида келгуси авлодларга ҳикоя қилиб берувчи ёрқин ва ўлмас достонлардир.

Биз — ўзбек адиблари барча совет халқлари қатори Леонид Ильични юксак мукофот билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз. У кишига халқимиз бахт-саодати йўлидаги, коммунизм манфаатлари йўлидаги сермашаққат ва самарали фаолиятларида янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

КЎКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НЕГИЗИ

Ҳозир чорвадорлар учун долзарб палла — чорвани молхоналарда парвариш қилинадиган вақт тугаб бормоқда. Унинг маҳсулдорлигини пасайтирмаслик, беш йиллик якунловчи йили планларини, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш негизини вужудга келтирмоқ учун ҳамма ишни қилиш керак. Хўжаликлар фермаларни ем-хашак билан яхшироқ таъминлаган, ундан моҳирлик билан фойдаланаётган жойларда кўп сут соғиб олинмоқда ва моллар ҳам яхши семирмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида қуйидагиларни уқтирди: «Чорвачиликдан исталган ҳамма нарса—гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўплаб етиштириш—буларнинг ҳаммаси оқибат натижада озуқанинг етарли бўлишига, хилма-хил ва юқори сифатли озуқа бисёр бўлишига боғлиқ».

Мамлакатда ем-хашак ресурслари тобора кўпаймоқда. Бироқ, уларни, хусусан пичан, сенаж, силос, илдиз-мевалар тайёрлаш ҳажмлари чорвачиликнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳозирча қондирмаяпти. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ем-хашак базасини ривожлантириш соҳасида ишлаб чиққан программа бир қанча районларда ҳали етарли даражада ғайрат билан амалга оширилмаяпти. Ана шуларнинг ҳаммаси партия, совет, хўжалик ташкилотларидан фермалар жойларнинг ўзида етиштирилган юқори сифатли ем-хашак билан таъминланган бўлиши учун талабчанликни оширишларини тақозо этади.

Куни кеча КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1980 йилда дағал ва ширали ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари олдига пичан, сенаж, силос, илдиз-мевалар йиғиб-териб олишни кўпайтириш резервларидан яхшироқ фойдаланиш, ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда қўшимча равишда техника ва материаллар ажратилмоқда, ем-хашак тайёрлашдаги ишларни пул билан таъминлаш ва меҳнатни рағбатлантириш юзасидан имтиёзлар берилмоқда.

Колхоз ва совхозлар мустаҳкам ем-хашак запасини вужудга келтириш учун барча имкониятларга эга бўлиб, уларнинг каттакатта майдонлардаги экинзорлари, ўтлоқлари ва яйловлари бор. Масалан, Киев областидаги кўпгина хўжаликлар экинзорлардан самарали фойдаланиб, гектар бошига 40—45 центнердан озуқа бирлиги олмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, резервлар ҳамма жойда ҳам моҳирлик билан ишга солинмоқда, деб бўлмайди. Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, Мордовияда, Пенза, Астрахань, Тернополь, Суми областлари ва бошқа баъзи бир областларда шу беш йилликда ем-хашак тайёрлаш ўртача йиллик ҳажми аввалги беш йиллиқдагига нисбатан камайиб кетди ёки салгина ўсди. Бир қанча жойларда ем-хашак ибтидоий усулда етиштирилмоқда. Ўт ҳосили кўпинча паст, яйловлар, пичанзорларни бута босиб кетган бўлиб, яхшиланишга муҳтождир. Ваҳолонки, маданий-техникавий ишларни ўтказиш планлари ҳамма жойда ҳам бажарилаётгани йўқ. Дағал ва ширали ем-хашак етишмаслиги — чорвачилик маҳсулдорлиги пастлигининг сабабларидан биридир, зотан шу мавсумдаёқ ана шундай ем-хашак етиштиришни анча кўпайтириш хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг бурчидир.

Озуқабоп экинлар экилган дала ҳам кўп гамхўрликни талаб этадики, бу дала ҳам шундай катта резервларга эгадир. Масалан, Узбекистондаги кўпгина колхоз ва совхозлар суғориладиган ҳар гектар ердан 120—150 центнерга етказиб беда пичани ўриб-йиғиб олаётган бўлсалар, Қозоғистоннинг баъзи бир жанубий районларида, Туркманистонда айни бир хил шароитларда қариб икки баравар кам пичан олинмоқда. Илғор хўжаликларнинг тажрибасидан активроқ фойдаланиш керак. Қишлоқ мутахассислари кўпламги дала ишлари бошланиши олдидан экинлар структурасини аниқлаб, туриб қанча ем-хашак керак бўлишини, ерларга энг серҳосил экинлар экиш кераклигини белгилаб олишлари лозим. Оқсил моддасининг тақчиллигини қопламоқ учун нўхат, беда, соя экиладиган майдонларни дадилроқ кенгайтириш, хусусан, жанубий зонада суғориладиган ерларда ҳам такрорий экинларни практикага кенг жалб этиш керак. Ҳозир озуқабоп экинлар экилган далаларга етарли миқдорда ўғит ажратиб бериш, агротехника талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаган ҳолда тупроқни, уруғларни яхши тайёрлаш жуда муҳимдир. Чорва моллари боқишга кўкпояни ниҳояти борича барвақт олиш учун, чорва маҳсулдорлигини анча юксалтиришга эришиш учун деҳқонларнинг куч-ғайратини йўналтириш лозим.

Озуқабоп экинлар экилган далалар маданиятини, уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари ҳамма жойда мавжуд. Шунга қарамай, айрим хўжалик раҳбарлари бу имкониятлардан ниҳоятда суст фойдаланмоқдалар, пичан, силос, илдиз-мева етиштиришни ташкил этишдаги камчиликларнинг ўрнини эса кўпинча давлат ресурслари ҳисобидаги дондан ортиқча даражада фойдаланиб қоплашга ҳаракат қилмоқдалар. Партия, совет ташкилотлари бундай ишга тоқат қилмасликлари лозим. Моддий-техника базасининг ўсганлиги, мутахассисларнинг, энг яхши деҳқонларнинг тажрибаси, билимлари — ҳамма нарса ширали ва дағал ем-хашак мумкин қадар кўпроқ жамғарилишига бўйсундирилган бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ем-хашак сифатининг пастлиги, рационларнинг оқсил моддаси жиҳатидан номутаносиблиги чорвачиликка катта зарар етказмоқда. Масалан, Пермь областида, лабораториялариинг маълумотларига кўра, биринчи ва иккинчи класс пичан, сенаж, силос улар умумий миқдорининг атиги учдан бир қисмидан сал кўпроғи тайёрланмоқда. Бошқа баъзи областларда ҳам аҳвол худди шунақа. Хўжаликларнинг агрономлари, зоотехниклари, инженерлари озуқабоп экинлар экишга киришаётиб ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш тўғрисида олдиндан гамхўрлик қилишлари керак. Ўт-ўланларни ўриш, силос бостириш муддатларини чўзиб юбормаслик учун ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма ишни қилиш зарур.

Далалар ва ўтлоқларнинг маҳсулдорлигини ошириш, етиштирилган ҳосилни вақтида ўриб-йиғиб олиш — ишнинг фақат ярми. Ем-хашахни тўйимли моддалари нобуд бўлишига йўл қўймай асраш муҳимдир. Ваҳолонки, баъзи бир районларда мустаҳкам омборхоналар барпо этиш учун кам маблағ ажратилмоқда, қурилиш ташкилотлари зарур иншоотларни қуриш ишлари ҳажмини уддалай олмаётгирлар. Ўтган йили РСФСР Ноқоратупроқ зонасидаги хўжаликларнинг ўзидагина давлат маблағлари ҳисобига қурилаётган ҳамда силос ва сенаж учун мўлжалланган салкам 1 миллион кубометр омбор қуриб берилмади. Қишлоқ фермаларнинг юқори унумли агрегатлар, синтетик пленка, ҳар хил консерванткар билан яхшироқ таъминланишини кутишга ҳақлидир. Ем-хашак етиштириш воситалари бутун комплексини ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришга фаол ёрдам бериш — тегишли министрликлар ва идоралар, заводлар партия ташкилотларининг бурчидир.

Фермаларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш — қишлоқ партия ташкилотларининг жуда муҳим вазифаларидан бири. Коммунистларнинг ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишлари шу мақсадга бўйсундирилиши керак. Партия комитетлари ва бюролари маънавий ва моддий стимуллардан актив фойдаланишлари, мустаҳкам ем-хашак запасларини вужудга келтириш учун барча кучларни сафарбар этишлари зарур. Ҳар бир ферма юқори сифатли хилма-хил ем-хашак билан етарли миқдорда таъминланган бўлишига эришиш лозим.

(«ПРАВДА» газетасининг 1 апрелдаги бош мақоласи).





ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Арнасой районидаги Жуков номли совхоз пахтакорлари чигит экишни бошлаб юбордилар. Хўжалик коллективи бу йил камида 7500 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган. Суратларда: совхоз далаларида чигит экиш пайти. Чигит экишда фаол қатнашаётган илғор механизатор Турғунбой Андешов.

К. Жўрақулов фотолари.

5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» учун

ЭКИШГА ШАЙМИЗ

Ер—деҳқон хазинаси. Ерни эъзозлаш, унумдорлигини ошириш билан йил сайин пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиб келмоқдамиз. Тўрт йилда 16 минг 878 тонна пахта сотилди. Бу пландагидан 228 тонна кўпдир. Ҳозирги кунда карталарни йириклаштириш, ортиқча ўват, марза, сўқмоқларни йўқотиш, дарахтларни кўчириш ҳисобига ерга ер қўшмоқдамиз. Механизацияга кенг йўл очиб бераётирмиз. Айни пайтда мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда.

Беш йилликнинг якунловчи йилида 1100 гектардан ортиқ ерда пахта, салкам 200 гектар майдонда маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар, салкам 100 гектар ерда полиз ҳамда сабзавот етиштирамиз. Бизнинг шароитимизда ҳар қарич ер, ҳар бир туп ниҳол аниқ ҳисобга олинади.

Колхозимиздаги 13 та бригада, 26 та хўжалик ҳисобида ишловчи звенога ишлаб чиқариш плани, технологик карталар тайёрлаб берилган. Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланадиган, КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўриладиган зарбдор йилда кам ҳосилли бригада, кам ҳосилли ер қолмаслиги учун қатъий кураш бошлаб юборилди. Барча карталарга ҳолатига қараб органик, минерал ўғитлар сепилмоқда.

Хўжалигимизда ерларни экишга тайёрлаш табақалаштирилган усулда амалга оширилмоқда. Кузда чуқур шудгорланган, бегона ўтлар камроқ бўлган майдонларни бороналаш қизғин тус олди. Мутахассисларимиз тавсияси асосида тупроқ зичлашиб кетган ерларда қўшимча тадбирлар амалга оширилаётир. Чигит экишдан олдин азотли, фосфорли, калийли ўғитларни механизмлар воситасида тупроқнинг 20-25 сантиметр қатламига солиб кетиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг ҳаммаси кўп йиллик тажрибамизда ўзининг яхши самараларини берган. Пахтадан муттасил юқори ҳосил кўтаришимизга имкон яратган.

Кейинги тўрт йилда пахта майдонлари кўпайтирилмаган ҳолда ҳосилдорлик 29,5 центнердан 40 центнерга кўтарилди. Ж. Ғозиев, А. Алимқулов, М. Сатторов ўртоқлар бошлиқ бригадаларимиз деҳқончилигимиз тарихида ғоят мураккаб келган ўтган хўжалик йилида ҳам 40-45 центнердан ҳосил кўтариб, катта муваффақиятларга эришишди. Чигит экишни энг қулай муддатларда ўтказиш — ютуқларимиз гарови бўлаётир. Бу соҳада Мамадали Сатторов, Дадамирза Хўжаев, Салоҳиддин Тожиаҳмедов, Аҳмадали Олимқулов каби миришкорлар бошлиқ бригадаларимиз катта тажриба тўплаганлар. Мазкур коллективларда асосий майдонлар экишга тахт қилиб қўйилди.

Халқимизда, эрта эккан хирмон қилур, деган гап бор. Биз чигит экишни ғоят қисқа муддатларда, ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида 20 та ҳайдов, 46 та чопиқ, 35 та транспорт тракторларини барвақт ремонтдан чиқарган эдик. Бундан ташқари 17 та чигит экиш сеялкаси, 30 га яқин борона ва бошқа машина-механизмлар ҳам экиш мавсумига тайёр ҳолга келтирилган. Бизнинг шароитимизда туксизлантирилган чигитни уяларга аниқ ташлайдиган сеялкалар экиш яхши самараларга беряпти. Хўжалигимизда 35 тоннадан кўпроқ уруғ дориланиб, экишга ҳозирлаб қўйилди. Бу борада агроном ва агроном энтомологлар, инженер ва механиклар зиммасига катта масъулият юклатилган. Улар ҳар бир далани, пайкални кафтдек текислашга, тупроқнинг донадорлигини таъминлашга ва борча турдаги тракторларнинг аниқ маромда ишлашини таъмин этишга жавобгардирлар.

Колхозда 200 гектарча кам ҳосилли, шағал ерлар бор. Биз ана шу майдонларга 30-40 тоннадан тупроқ, ғўнг солдик. Бу ишларни бажаришда 20 дан ортиқ транспорт трактори, юклагич механизмлари иштирок этди.

Ернинг устки қатламида тупроқни майин ҳолатга келтиришга алоҳида эътибор берамиз. Бош агроном Мамадали Исроилов, инженер Нурмамат Тожибоев ўртоқлардан иборат сифат комиссияси ҳамма жойда дала ишларининг сифати, салмоғи ва самарадорлигини назорат қилиб бормоқда. Ҳар бир механизатор ёки колхозчининг бажараётган ишидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари махсус дафтарчаларга қайд қилиб борилади. Содир бўлаётган нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланиб, ўз вақтида тугатиш чоралари кўрилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қатор программ нутқларида мамлакатда пахта етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш, маҳсулот сифатини яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Биз партия кўрсатган йўлдан ҳамиша олга бориб, она-Ватанимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва сифатлироқ «оқ олтин» етказиб беришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, шон-шараф ишимиз деб ҳисоблаймиз. Колхозимиз аъзолари беш йиллиннг якунловчи йилида 4600 тонна пахта, 835 тонна дон, 120 тонна сабзавот, 60 тонна полиз маҳсулотлари етиштириш аҳд қилганлар. 147 тонна гўшт, 684 тонна сут, 500 минг дона тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади.

Колхозчиларимизнинг сўзи билан иши бир. Беш йилликнинг якунловчи йили зарбдор меҳнат ҳамда мўл-кўлчилик йилига айлантирилади. Кўклам— меҳнат билан кўркам, дейди халқимиз. Биз мутахассисларимиз билан бригаликда ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Агар хўжалигимиздаги кам ҳосилли бригада ва звеноларни колхоз даражасидаги ҳосилдорликка ўтказсак, ялпи ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан 1200 тоннага кўпайтиришимиз мумкин. Бу — жуда катта резерв. Ҳозирда амалга оширилаётган ишларимиз ана шу имкониятлар ва фойдаланилмай ётган резервларнинг ишга туширилишига қаратилган.

Биз бутун ишчи кучлари, техника воситаларини ишга солиб, кўзлаган мақсад — мўл-кўл пахта ҳосили етиштириш учун курашаверамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигига муносиб меҳнат совғалари билан жавоб қайтараверамиз.

А. МАМАЖОНОВ,
Тўрақўрғон районидаги К. Маркс номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, областнинг барча меҳнаткашлари номига йўллаган табрикномаси пахтакор районлардаги чорвачиликни ривожлантиришнинг катта резервларини кўрсатади, меҳнат коллективларнинг куч-ғайратларини ва ғашаббусини мана шу резервлардан ғоят самарали фойдаланишга даъват этади. Сирдарё область партия комитетининг Гулистонда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари шу ҳақда зўр манфаатдорлик билан гапирдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми якунларини кўриб чиққан шу пленумда область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров доклад қилди.

Пленум қатнашчилари Мирзачўл чорвачилигидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этдилар, фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида гапирдилар, фермалар маҳсулотини кўпроқ етиштириш юзасидан конкрет тадбирларни белгиладилар.

Сўзга чиққан нотиқлар беш йилликнинг якунловчи йилини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлашга аҳд қилганларини айтишди. Ленин юбилейи йилида бултургидан 25 процент кўп гўшт, 20 процентдан кўп сут, 80 процент кўп тухум етиштирилади.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. А. Аҳмедов иштирок этди.

* * *

Жиззах область партия комитетининг Жиззахда бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетига, областнинг барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида баён этилган тавсиялар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунлари асосида область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. Бойметов доклад қилди.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари пахтачилик, чорвачиликни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришганликлари пленумда таъкидлаб ўтилди. Давлатга гўшт ва сут сотиш квартал плани муддатидан илгари бажарилди. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига кенг қулоч ёғаи социалистик мусобақа бунга кўп жиҳатдан кўмаклашди.

Бироқ чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд резервлардан ҳамма хўжаликларда ҳам етарли фойдаланилаётгани йўқ. Социалистик мусобақани ташкил этишда, илғор тажрибани оммалаштиришда камчиликлар бор.

Пленум қарорида шу нарса қайд этилдики, меҳнат мусобақасини кенг қулоч ёздириш, уни тўғри ташкил этиш — ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йилида бултургидан анча кўп миқдорда гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш имконини беради.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун янги техникани ишлаб чиқиш соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантиришда кўп йил самарали илмий иш олиб борганлиги учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан В. Д. Журин номидаги Урта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг консультанти, профессор, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Виктор Михайлович **Легостаевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, педагогика фанини ривожлантиришга, республика ўқув юртлари учун ўқитувчилар тайёрлашга катта ҳисса қўшганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти кафедрасининг мудири ўртоқ Сиддиқ **Ражабовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЛЕНИН ИШИ ЯШАМОҚДА ВА ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА

Барча совет, кишиларининг ҳаёти ва фаолияти улуғ Ленин ғояларига садоқат руҳи билан суғорилгандир. Ўзбекистон йигит ва қизлари Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи аъзоси номига ҳамиша муносиб бўлишга интилмоқдалар. Ёшлардан 100 мингдан кўпроқ киши Бутуниттифоқ ва республика, область, шаҳар ва район комсомол зарбдор қурилишларида меҳнат қилмоқда, республика комсомолларидан 35 минг киши Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга депутат қилиб сайланган. 1 апрель куни Тошкентда «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» мавзуида ёшлар учун бошланган Ленинхонликда ана шу ва бошқа рақамлар келтирилди.

Халқ хўжалигининг ёш оилалари ва мутахассислари, комсомол ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўз докладларида ва нутқларида коммунизмнинг ёш бинокорлари Ильич васиятларини қандай қилиб амалга ошираётганликлари тўғрисида, уларнинг Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнатлари, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги йилида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирдилар.

Ёшларнинг Ленинхонлиги республика бўйлаб ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, областнинг барча меҳнаткашларига йўллаган мактубида айтилган тавсиялардан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан руҳланган республикамиз чорвадорлари ва фермаларнинг ишчи-хизматчилари ленинча зарбдор йилда зўр фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

ҚУЗИЛАТИШ ЯХШИ УТМОҚДА

Қорақалпоғистон автоном республикасининг қоракўлчилик хўжаликларида қўйлар бу йил ўтган йилдагига нисбатан яхши қузиламоқда. Чорвадорлар қузилатиш мавсумини муваффақиятли якунлаш борасида бутун ғайратларини ишга солмоқдалар. Мавсумнинг дастлабки кунларида 40 мингдан кўп қузи олинди. Бундай муваффақиятга илғор чорвадорларнинг ғайрати туфайли эришилди. Совлиқлар қузилатиш пунктларига келтирилган.

Қоракўлчилик хўжаликларида бу йил 213 мингта қузи олиш учун кураш қизғин борянти. Уларнинг катта қисми боқишга қолдирилади.

Тахтакўпир районидаги Димитров номли колхоз чўпонлари қузилатишни, айниқса, яхши ўтказишмоқда. Қоракўлчи чўпон Қ. Кенжабоев катта зафар қучди. У ҳар юз совлиқдан 225 тадан қузи олиб, социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМИ

Наманган районидаги Свердлов номли колхознинг сут соғувчиси З. Раҳматуллаева социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У кунига 22 бош сигирнинг ҳар биридан 15 килограммдан сут соғиб олаётир. Ўзига биркитилган молларни яхши парвариш қилаётганлиги, рационга қуруқ ва ширали хашакдан ташқари витаминли аралашмаларни қўшиб бераётганлиги натижасида сут соғувчи юқори натижаларга эришмоқда.

З. Раҳматулласванинг бу йилги режаси катта. У ҳар бир соғин сигирдан 5 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган. Бу ўтган йилдагига қараганда 350 килограмм кўпдир.

ИСТЕЪДОД ҒУНЧАЛАРИ

Владимир Ильич Ленин таваллудининг 110 йиллигига бағишланган анъанавий республика санъат байрами конкурси Тошкентда ёш лауреатларнинг концерти билан ниҳоясига етди. Ана шу ижодий мусобақа ғолиблари бўлган умумий таълим ва музика мактаблари ўқувчиларига, бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларига санъатнинг ўн тўккиз жанри бўйича махсус дипломлар топширилди.

Еш талантлар кўриги эса давом этмоқда. Апрель ойининг охиригача Ўзбекистон Рассомлар союзи залида санъат байрами қатнашчиларининг асарлари намойиш этилади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ — БЕБАҲО РЕЗЕРВИМИЗ

Халқ контроли Саҳифаси

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

БОШ ЙЎЛ

Совет кишиларининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фидокорона меҳнати натижасида мамлакатимиз экономикаси муттасил ривожланмоқда, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси изчиллик билан юксалмоқда, ишлаб чиқаришда сифат жиҳатидан ўзгаришлар содир бўлмоқда. СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонун асосида иш олиб бораётган халқ контроли органларининг фаолияти бунда муҳим роль ўйнамоқда.

Назоратчилар меҳнат коллективларининг иқтисод ва тежамкорлик учун, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашида жонкуярлик кўрсатмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори назорат иши кўламини янада кенгайтириб, бу ишнинг мазмунини бойитмоқда. Республика халқ контроли группалари ва постлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари олдидан ўз фаолиятларини партия ва ҳукумат қарорлари асосида чуқур таҳлил қилиб чиқмоқдалар.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ БУЗУВЧИЛАРГА МУРОСАСОЗЛИК БИЛАН ЛИБЕРАЛЛАРЧА МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ФАКТЛАРИ БУТУНЛАЙ ЙЎҚОТИЛСИН, ШУ МАҚСАДДА МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН БАРЧА ТАЪСИР ЧОРАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛСИН. ...КОЛЛЕКТИВ АЪЗОЛАРИ ЎЗ КАСБИ, КОРХОНАСИ УЧУН ФАХРЛАНИШ РУҲИДА, УЮШҚОҚСИЗЛИК, ИНТИЗОМСИЗЛИК, ХЎЖАСИЗЛИКНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ КЎРИНИШЛАРИГА МУРОСАСИЗЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАНСИН.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қароридан).

Халқ назоратчилари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда тобора ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Бу жиҳатдан Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси назоратчиларининг фаолияти ибратлидир. Суратда: (чапдан) Чилонзор район халқ контроли комитетининг аъзоси, бичиқчи Б. Кряжева, ишчи А. Гофман, фабрика халқ контроли группасининг раиси Ф. Ғуломов ўртоқлар навбатдаги рейд якунларини муҳокама қилмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

ЖОНКУЯРЛАР

Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводи Жалолқудуқ районидаги йирик ва юксалаётган корхоналардан биридир. Ишчилар, инженер-техник ходимлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини йил сайин муваффақиятли бажариб келмоқдалар.

Корхонада 43 назоратчи ақтив иш олиб бормоқда. Улар 1 та цех группаси ва учта назорат постига бирлашишган. Халқ назоратчилари сафида 22 мутахассис, 5 рационализатор, 6 ишчи ўз бурчини ташаббускорлик билан оқламоқда.

Завод халқ контроли группасининг бюроси назорат ишига оператив раҳбарлик қилмоқда. Бюро составида группа раиси, тармоқлар бўйича ташкил этилган сектор мудирлари бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифати, иқтисод ва тежамкорлик, меҳнаткашларнинг шикоят ва таклифларини қараб чиқишнинг аҳволи юзасидан назорат олиб бормоқдалар.

Халқ контроли группасининг ташкилий жиҳатдан комплекс тузилиши текширишларнинг самарадорлигини оширмоқда. Бош группа 1979 йилда 13 марта текшириш ва рейдлар ўтказди. Уларни ўтказишда назоратчилар КПСС XXV съезди талаблари, КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССРда халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика халқ контроли органлари иш фаолиятини яхшилаш тадбирлари ҳақидаги кўрсатмаларига асосланаётирлар.

Ҳар бир назоратчининг қайси текширишда иштирок этиши ва топшириқларни бажариш муддатлари олдиндан белгилаб қўйилади. Ишни шу тариқа ошкора ташкил этиш назорат самарадорлигини оширмоқда, текширишларга мутахассислар, ишчилар ва хизматчилар актив қатнашишига ёрдам бераётир. Жумладан, бош группа бюросининг аъзолари З. Ҳабибжонов, Алла Ойларнинг — вагонлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг бекор туриб қолиш сабабларини ўрганиши шу тарзда олдиндан тайёрланилган ҳолда ташкил этилди. Вагонлар бекор туриб қолиши ҳисобига корхона 284 сўм 80 тийин зарар кўрганлиги аниқланди, айбдор шахс — маҳсулот тайёрловчи Маъруфжон Зиёмов халқ контроли бош группаси томонидан қаттиқ огоҳлантирилди. Шунингдек, меҳнат интизоми, ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиб кетиши, электр энергияси ва мойлаш материалларидан фойдаланиш юзасидан доимий текширишлар олиб борилди. Натижада биргина ўтган йили корхонада 95 минг киловатт-соат электр энергияси, 1300 квадрат метр ўроғ материаллари тежаб қолинди.

СССРда халқ контроли тўғрисида Қонун қабул қилинганлиги халқ назоратчиларининг масъулиятини янада ошириб юборди. Назоратчиларимиз Қонунни чуқур ўрганиб, шу асосда конкрет вазифалар белгилаб олишмоқда. Ҳар бир текшириш олдидан унинг иштирокчилари билан инструктив йиғилиш ўтказилади, нималарга эътибор бериш зарурлиги кўрсатилади.

Группамиз ишдаги нуқсонларга қарши курашда Қонунда белгиланган ҳуқуқлардан моҳирлик билан фойдаланаётир. Группа мансабдор шахслардан 4 кишини огоҳлантириди, 12 текшириш натижалари маъмурият йиғилишида муҳокама қилиниб, айбдор кишиларга тегишли жазо берилди. Завод маъмурияти ва партия ташкилотининг умумий йиғилишларида группа олиб бораётган ишлар ҳақидаги ҳисоботлар эшитиб турилади. Шу билан бирга партия йиғилишларида коммунистлар — халқ назоратчиларининг муҳим жамоат топшириқларини қандай бажараётганлиги билан боғлиқ масала мунтазам тингланади. Бу эса халқ назоратчиларининг обрўсини оширяпти. Энг муҳими текширишнинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида турли воситалардан фойдаланяпмиз. Текшириш натижалари «Қалампир» деворий газетаси, «Фотоайбнома»ларда ёритилмоқда.

Заводимиз коллективи беш йиллик планни 24 декабрга бажариш ва якунловчи йилда пландан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, планга қўшимча 110 тонна тола, 12 тонна момиқ, 1655 тонна чигит ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Назоратчилар эса меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, 296 минг киловатт-соат электр энергия, 24,6 тонна ёқилғи, 1,5 тонна металл, 1500 квадрат метр ўроғ материаллари тежаб қолиш учун курашаётирлар.

И. МЕЛИБОЕВ,
завод партия бюросининг аъзоси, халқ контроли группасининг раиси.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

ШАРТНОМАЛАР ОҒИШМАЙ БАЖАРИЛСИН

Қорақалпоғистон АССР Йўл қурилиши министрлигининг Нукус асфальт-бетон заводида сўнгги вақтларда план ва шартнома интизомини бузиш ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда. Тўғри, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари муттасил бажарилмоқда. Меҳнат унумдорлиги плани ҳам ado этилмоқда. Бир ишчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиб бораётир.

Лекин ана шу муваффақиятлар кимлар ҳисобига эришилмоқда. Масалага шу жиҳатдан ёндашилган тақдирда, корхона ишлаб чиқаришидаги жиддий нуқсонлар кўзга яққол кўринади-қолади. Чунончи, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш плани кўзда тутилмаган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига ошириб бажарилмоқда. Планда иссиқ асфальт тайёрлаш кўзда тутилган. Лекин бунинг ўрнига 51,9 тонна совуқ асфальт ишлаб чиқарилган. Чунки маҳсулот бу хилининг таннархи анча юқори. Мана шунинг эвазига план ҳам ортиғи билан бажарилмоқда.

Сўнгги бир йилда завод номенклатура бўйича белгиланган топшириқларни бажара олмади. 50 тонна ўрнига фақат 18,6 тонна иссиқ асфальт ишлаб чиқарилди. Майда тош чиқаришга эса умуман киришилгани йўқ. Транспорт хизматидаги чалкашликлар туфайли ялпи маҳсулот учун 41 минг сўм ортиқча маблағ сарфланди.

Нукус шаҳар халқ контроли комитети асфальт-бетон заводида план ва шартнома интизомига риоя қилишнинг аҳволи билан боғлиқ масалани қараб чиқиб, юқоридаги сиғатли бир қатор жиддий камчиликларни аниқлади. Корхона қурилиш ташкилотлари билан муттасил иссиқ ва совуқ асфальт етказиб бериш юзасидан шартнома тузган. Лекин текшириш куни буюртмачиларнинг ҳаммасидан қарздор бўлиб қолингани аниқланди. Айни вақтда ҳеч қандай шартнома бўлмагани ҳолда 8 та қурилиш ташкилотига асфальт етказиб берилган. Қурилиш ишларини ташкил этишда мана шундай пала-партишлиқнинг содир бўлишида республика Йўл қурилиши министрлиги ҳам айбдор, албатта. Министрлик план ва шартнома интизомида кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини ташкил этиш ўрнига, чет ташкилотларга ҳам асфальт етказиб бериш юзасидан кўпдан-кўп қўшимча топшириқлар бермоқда. Халқ контроли комитети айбдор шахсларни жазолаб, ишда кескин бурилиш ясаша қаратилган қарор қабул қилди.

УНУМДОРЛИК — АСОСИЙ МАСАЛА

Бухоро шаҳар халқ контроли комитети 163-қурилиш трестида меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурслардан ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш, социалистик мулкни даҳлсиз сақлашни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалани қараб чиқди. Қабул қилинган қарорда бу соҳада муайян натижаларга эришилганлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, сўнгги бир йилда кадрлар қўнимсизлиги 1,5 процент камайган. Технологик чиқимларни камайтириш ҳисобига 20,6 тонна цемент, 38,7 тонна металл тежалди.

Йиғилишда қурилиш трестида шу соҳада олиб борилаётган ишлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори асосида муҳокама қилиниб, ишдаги бир қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Ўтган йили асосий кўрсаткичлар бўйича давлат плани бажарилмади. Белгиланганидан деярли 700 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Баъзи ҳолларда белгиланган муҳим тадбирларнинг бажарилишида расмиятчилик, ўзибўларчиликка йўл қўйилди. Жумладан, йиллик ҳисоботда 41 тонна ёқилғи тежалгани кўрсатилгани ҳолда бош механик маълумотида бу рақам 61,9 тонна деб берилган.

Маҳсулот сифатини назорат қилишда ҳам ўзибўларчилик ҳоллари юз бермоқда. Натижада темир-бетон конструкцияларнинг мустаҳкамлиги маркадаги даражадан кам. Кўпинча ишлаб чиқарилган 45—50 процент маҳсулотнинг пишиқлиги етарли бўлмаётир. Трест бўлинмаларида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш вақтини тўғри ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам изчил бажарилмаётир.

Шаҳар халқ контроли комитети ишда шундай нуқсонларга йўл қўйгани учун трест бош инженери Б. Артеховни тегишлича жазолади.

ИШ ВАҚТИ — ҚИММАТЛИ

«Джизакирмонтаж» трести бўлинмаларида иш вақтидан тўғри фойдаланиш, бекор туриб қолишлар ва меҳнат режими тўғрисидаги қонунларнинг бузилишига йўл қўймаслик борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада иш вақтини бекор ўтказиш ҳоллари йилдан-йилга камайиб бораётир. Меҳнаткашларнинг санаторий ва дам олиш уйларида хордиқ чиқаришини ташкил этиш ҳам коллективдаги ишчанлик майфиятини муқимлаштиришга хизмат қилмоқда. Трест пудрат ишлари планини ошириб бажаришида булар муҳим омил бўлаётир.

Пахтакор район халқ контроли комитети ўтказган текширишда трест ва унинг бўлинмаларида айни вақтда бир қатор камчиликлар ҳам содир бўлаётганлиги аниқланди. Айниқса, кадрлар қўнимсизлиги ҳамон кучли. 7-кўчма механизациялашган колоннада бу соҳада ўзига хос рекорд қўйилмоқда. Бу йилнинг дастлабки ойларида ҳам қўнимсизликни камайтириш юзасидан амалий чоралар кўрилмади. Меҳнат коллективларида ишга чиқмаслик, кечикиб келиш ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда. Натижада қурилиш ишлари оқсамоқда. Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида қуваватларни ишга тушириш плани аранг 31,1 процент бажарилди. Бошқа кўрсаткичлар ҳам қувонарли эмас.

Қурувчилар ўртасида техника хавфсизлиги чораларини кўришга етарли эътибор берилмаётир. Ишга ичиб келиш ҳоллари учрамоқда. Иккинчи хўжалик ҳисобидаги участкада ҳам меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Омбор мудири Н. Кутева 1977 йилдан буён меҳнат отпускасига чиқмаган. Бу ерда инвентаризация ишлари юзаки ўтказилаётир. Трестнинг ўзида ҳам меҳнат интизомини бузиш ҳолларига бефарқ қараш одат бўлиб қолган. Район халқ контроли комитети ана шу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар белгилади.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИ

ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРИБ

Халқнинг ўткир кўзлари ҳисобланган назоратчилар барча участка, цех, бригадаларда самарали меҳнат қилишлари билан бирга, юк ташиш планларининг бажарилиши, сифати учун доимо кўз-қулоқ бўлиб турибдилар.

Яккабоғ районидаги 85-автохўжалик халқ контроли группаси сўнгги йилда 15 дан ортиқ рейд ва текшириш ўтказди. Айрим шоферлар юк ташиш планларини сабабсиз бажармаётганликлари, шоферлар ўртасида меҳнат интизоми бўшаштириб юборилганлиги, Ж. Тоғаев, Ғ. Нуриддинов, Э. Холиқов каби шоферлар автомашиналардан шахсий ишларда фойдаланаётганликлари аниқланиб, бу камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Рейд ва текширишлар таъсирчанлиги оширилиб, ўтган йили 5000 сўмлик ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар иқтисод қилинди. Кўзбўямачилик, ноқонуний ишларга, ўзибўларчиликка, меҳнат интизомини бузаётганларга, давлат мулкига кўз олайтирувчиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилиятпи.

В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг авж олдирилган айни кунларда 200 дан ортиқ шофер ва ишчи-хизматчининг ҳаммаси ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. И. Губайдуллин, Н. Раҳимов, А. Рафиқов, Э. Хўжанов каби шоферлар назоратнинг ишининг таъсирчанлигини ошириш билан бирга, шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Х. ҚУҚОНОВ.

ТЕКШИРИШДАН СЎНГ

Сафарбой 13-бригада хирмони ёнидан ўтаётиб, қорайиб ётган бир уюм нарсага кўзи тушди. Булар қишда ҳам очиқ ҳавода, далада қолдирилган механизмлар эди. Ў тўғри гаражга йўл олди. Колхоз бош инженери Худойберган Оллоберганови учратди.

— Ўртоқ инженер, ўтган йили ҳам ўндан ошиқ техниканинг далада қаровсиз қолдирилганига сабабчи бўлганингиз учун қаттиқ огоҳлантириш олган эдингиз. Жазодан тегишли хулоса чиқармабсиз, чамаси. Далада мавсумдан бўшаган мола, борона, плуглар қор-ёмғир остида ётибди. Ахир улар текинга олинмаган-ку?

— Ҳой, оғзингга қараб гапир! Ўз ишингни бил. Бировнинг ишига бурнингни тиқма.

Назоратчи инженерга яхши гап кор қилмаслигини тушуниб турган бўлса ҳам яна таъкидлади:

— Техника туфайли бармамизнинг тилимиз узун. Областда оғизга тушдик. Пахтадан юқори ҳосил олямиз. Сиз бўлсангиз... Мен буни шу ҳолда қолдирмайман. Группага хабар қиламан.

Халқ назоратчиси Сафарбой Қурбонов сўзида турди. Ахволдан халқ контроли группасининг раиси Саъдулла Эгамбердиевни огоҳ этди. Орадан бир кун ўтгач, текшириш ўтказилди. Колхоз бош инженерининг айби билан 1200 сўмлик техника сафдан чиққанлиги аниқланди. Халқ назоратчилари бу гал уни ааб ўтиришмади. Колхоз правлениесидан қаттиқ чора кўришни талаб қилишди. Ўз вазифасига совуқконлик билан қарагани учун Х. Оллоберганов бош инженерлик лавозимидан бўшатилди.

Группанинг ҳар бир аъзоси ана шундай ғоят сезгирлик ва қаттиққўллик билан иш кўрмоқда. Улар текикадан фойдаланиш ва уни сақлаш масаласини қаттиқ назорат остига олишган. Бунда С. Қурбонов раҳбарлик қилаётган пост аъзолари айниқса активлик кўрсатишяпти. Шу сабабли ҳам техникадан фойдаланиш унуми ошмоқда.

Назоратчилар чорва қишловининг аҳволини текшириб чиқишди. Фермада ишлар ўлда-жўлда эканлиги, сигирларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетганлиги, молларга тақсимланаётган ем-хашак рационда белгиланган даражадан пастлиги фактлари аниқланди. Ферма мудири Отахон Ортиқов ва колхоз зоотехниги Абдулла Шерматовлар қаттиқ огоҳлантирилди.

Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхозининг халқ контроли группаси атрофига жиплашган 116 назоратчининг фаолияти сермазмун. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахтадан юқори ҳосил етиштириш, давлатга мўл-кўл чорва маҳсулотлари топшириш учун ғайрат кўрсатаётган хўжалик меҳнат аҳлига кўмакдош. Назоратчилар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш орзуси билан ўз фаолиятларини янада активлаштирмоқдалар.

И. ИСМОИЛОВ.

РАССОМ ШАРҲИ

БЎЛСА БЎЛАР, БЎЛМАСА...

Навоий шаҳрининг бир қатор саноат корхоналарида иш вақтидан оқилона фойдаланиш, ускуналар ва агрегатларнинг бекор туриб қолишига барҳам бериш, прогуллар ва ишга кечикиб келиш ҳолларини тугатиш учун самарали тарбиявий-ташкилий тадбирлар амалга оширилмаётир. Кўпинча ишчилар маъмуриятнинг рухсати билан иш жойларига чиқмайдилар. Бу эса планларнинг бажарилишига путур етказмоқда. Юқоридаги сабаблар бўйича фақат цемент заводининг ўзида меҳнат унумдорлиги 37,3 процентни ташкил этган. Умуман, шаҳар корхоналарида бу кўрсаткич бажарилмади.

«Навоиазот» бирлашмасида бир йилда 2837 киши-куни бой берилган. Нон комбинати, электр химия заводида ҳам прогулчилик авж олаётир. Сирасини айтганда, шаҳар корхоналарида меҳнат қилаётган ҳар ўн ишчининг бирини прогулчи дейиш мумкин. Маъмурият ижозати билан ишга келмаслик 10759 киши-кунини ташкил этди. Бу ишда штурмчиликкa сабаб бўлмоқда.

Боз устига, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи ошиб кетаётир.

М. ҒАНИЕВ.

„ЎЗИ ХОН, ҚЎЛАНКАСИ МАЙДОН»

Янгиер шаҳар маданият бўлимининг мудири К. Маназарова сўнгги вақтларда «Ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлиб қолди.

Назоратчилар яқинда текшириш ўтказиб, лол қолишди. Чунки маданият бўлимида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажо. йботлар, хаёлига ҳам келмайдиган ишлар содир бўлган эди. Буни қарангки, бир ходим айни вақтда Ховос посёлкасида ҳам, Янгиернинг ўзида ҳам икки хил хизмат вазифасини бажара оларкан. Мисолларга мурожаат этайлик. Ховосдаги кутубхона мудири В. Селицкая бир вақтнинг ўзида Янгиер шаҳридаги истироҳат боғига директорлик ҳам қилган. Т. Тостонбекова ҳам бир пайтда ана шу икки жойда муҳрдор бўлиб турган. Р. Осипова, М. Тумасованлар ҳам Маназарова-нинг «қанотида» яйраб-яшнаб юришди.

Текшириш маданият бўлимида ходимлар меҳнатини ташкил этишдаги нуқсонлар оз эмаслигини кўрсатди. Уриндошлик билан ишлаш тартиби бузилганлиги туфайли иш ҳақи фондидан деярли икки минг сўм ортиқча сарфланганлиги аниқланди.

М. ҒАФУРОВ.

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ БЕПАРВОЛИГИ

Ангор район алоқа узели ходимлари ўртасида меҳнат интизомини бузиш, хизмат вазифаларини бажаришда бегамлик одати илдиз отиб бормоқда. Алоқачилар газета ва журналларни обуначиларга вақтида етказиб бермайдилар. Кўпгина хатларни, телеграммаларни эгаларига чалкаш тутқазадилар. Алоқа узелида матбуот нашрлари ҳамда хат-хабарларни жойларга тарқатиш ҳам кўнгилдагидай йўлга қўйилмаган.

Утган йили Валентина Кушева тўрт номдаги газета ва журналга обуна бўлган, янги йилдан бошлаб уларни вақтида олиб, ўқиб туришни орзу қилган эди. Афсуски, обуначининг орзуси орзулигача қолмоқда. Чунки у на январда, на февралда ўзи обуна бўлган газета ва журналларнинг бирортасини ололмади.

Алоқачиларнинг хизматидан пенсионерлар, нафақа олувчилар айниқса ранжишмоқда. Пенсия ва нафақа пуллари эгаларига ҳамиша ҳам вақтида етказиб берилавермайди. «Коммунизм» колхозидаги алоқа бўлими мудири А. Қулиевнинг айби билан январда 15 пенсионер пулни олмай қолди.

Ш. РАҲМОНОВ.

— Ҳа, Неъматжон йўл бўлсин?

— Директордан рухсат олдим, бир ялло қилай.

— Дугонажон, ишлар жойидами?

— Ҳа, энди Ховос билан Янгиер ўртасида бир қадам деб юрибмаи...

Алоқачи: — Бегамлик жоним хузҳри...

А. ҲОЛИҚОВ расмлари.

ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Студент-ёшларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан чуқур танишиш, унинг ўлмас меросини қунт билан ўқиб, ўрганиш катта аҳамият касб этмоқда.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректорати, партия ташкилоти ва ижтимоий кафедралар ташаббуси билан В. И. Ленин кунлари олдидан кафедра декадалари ўтказилмоқда. Бу студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида, уларни коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб етиштиришда самарали натижа бермоқда. Ана шундай декадалардан бири куни кеча институтнинг «Илмий коммунизм» кафедрасида ўтказилди. Декада ниҳоятда қизиқарли ўтди.

Бундан ташқари студентлар ётоқхоналарида В. И. Ленин хоналари ташкил қилинди. Ётоқхоналарда «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё халқлари», «Совет ёшларини В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти мисолида тарбиялаш», «Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашиш — совет халқининг асосий шиори», «В. И. Ленин устоз, инсон сифатида» каби мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир. Революция ва меҳнат ветераплари ҳамда Ленин стипендиатлари билан учрашув кечалари ташкил қилинмоқда. В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятига доир кинофильмлар кўрсатилмоқда. Ленин музейига экскурсиялар уюштириш — декаданинг асосий тадбирларини ташкил этади.

Декада кунларида истеъдодли шоирлар Омон Матчон ва Муҳаммад Алилар билан учрашув ўтказилди. Муқимий номли ўзбек давлат музикали драма театрининг артистлари иштирокида катта концерт кўрсатилди.

Э. ҒУЛОМОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг катта ўқитувчиси.

САБЗАВОТКОРЛАР ҲУЗУРИДА

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

Яқинда биз Тошкент шаҳрининг кун ботар тарафига туташган «Хасково» совхозида бўлдик. Далаларда эртаги экинлар экиш қизғин. Айниқса, карам экиш тезкорлик билан олиб борилаётир. Плёнкалар тагига экилган карам ва картошка қатор ораларига дастлабки ишлов берилаётир. Кузда экилган пиёз ва бошқа эртаги экинлар барқ уриб ривожланяпти. Миришкор сабзавоткорлар бу экинларни ҳам озиқлантиришга киришишган.

Парник хўжалигининг фойзи ўзгача. Оппоқ полиэтилен плёнкалар қопланган иссиқ хоналар устида қуёш нурлари товланади. Карам кўчатлари пешма-пеш экин майдонларига жўнатилмоқда. Парник хўжалиги бошлиғи Исоқ Каримов бизни ўз одатига кўра очиқ чеҳра билан қарши олди. Биргаликда кўчатлар етиштирилаётган хоналарни кўздан кечира бошлаймиз. Кўм-кўк бўлиб яшнаб турган карам кўчатлари кўзни қувнатади.

— Мана шу ерга ўтган йил 20 декабрь куни уруғ сепган эдик, — дейди Исоқ Каримов. — Уруғни тўла ундириб олиб, кутилганидан анча кўп кўчат етиштирдик. Қаранг, бирорта ҳам сийрак ер йўқ. Бунинг сабаби шуки, биз уруғни обдон майдаланиб, ғалвирдан ўтказилган тупроққа сепамиз. Шунинг учун ҳам ҳар йили кутилган натижага эришмоқдамиз.

— Айрим парник хўжаликларида уруғни қуруқ тупроққа сепиб, кейин уни ундириб олиш учун устидан сув беришади, — сўзида давом этди И. Каримов. — Оқибатда тупроқ қатқалоққа айланиб, уруғнинг тўла униб чиқишига йўл қўймайди, ўша жойдан кутилган миқдорда кўчат олиб бўлмайди. Олинган кўчатлар ҳам ончалик бақувват бўлмайди.

Қўшни хонага ўтамиз. Ёз кунларидагидек енгил кийиниб олган қизлар помидор кўчатларини расад қилишяпти. Исм-фамилияларини дафтаримизга ёзиб олдик. Башорат Алимова, Санобар Ғуломова, Назира Мусаева, Ўлбўлсин Қўнишева...

— Умрларидан барака топишсин, чаққон, миришкор қизларимиз булар! — деб қўйди фахр билан Исоқ ака.

— Ўринбой Каримшоевнинг май ойида пишадиган қовун-тарвузларини кўрсатай, — дея бизни ўртароққа бошлади Исоқ ака.

Торгина йўлкадан олдинга қараб юрдик. Ўнг тарафда қовун ва тарвуз палаклари кўзга ташланди. Бу май ойида пишадиган қовун ва тарвуз навларини бундан бир неча йил муқаддам Ўринбой Каримшоев яратган эди. Ўшандан буён эртаги қовун-тарвузлардан совхоз парник хўжалигида мўл ҳосил олиб келинмоқда. Ҳар йили май ойидаёқ пишиб етилиб, эл дастурхонини безайдиган бу неъматларнинг овозаси ҳаммаёққа кетган.

— Парваришни кучайтирямиз, — деди Исоқ ака. — Май ойи бошларидаёқ пишади.

Парник хўжалиги ишчилари ҳордиқ чиқарадиган қўш хонали уйга қайтиб келдик. Илтимосимизга кўра И. Каримов зафар ва режалар ҳақида сўзлай бошлади.

— Коллективимиз ончалик катта эмас. Учта звено бор, холос. Уларга тажрибакор деҳқонлар Ҳамидулла Эшматов, Комил Йўлбарсхонов, Адҳам Носировлар бошчилик қилишмоқда. Бизда меҳнат интизомига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам ҳар йили яхши натижаларга эришиб келаётирмиз. Масалан, 1979 йилни олиб кўрайлик. 20 миллион дона карам, помидор ва бошқа резавор экинларнинг кўчатларини етиштирдик. Совхозимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш билан бирга бошқа хўжаликларга 5,5 миллион дона кўчат сотдик. Шундай қилиб, ўтган йили 86 минг сўм даромад қилдик. Бунинг эвазига ишчиларимиз олган ҳар бир сўм маош ҳисобига яна 80 тийиндан устама ҳақ тўланди. Бу йил 22 миллиондан зиёд кўчат тайёрлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Биз парник хўжалигидан қайтар эканмиз, эшик олдида совхоз директори қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Турғун Бекматовни учратдик.

— Ўтган йили совхозимиз меҳнаткашлари эл дастурхонига деярли 10 минг тонна сабзавот, 2 минг тоннадан зиёд картошка тортиқ қилишди,— дейди у. — Якунловчи йил режалари янада катта. 11000 тонна сабзавот, 2200 тонна картошка етиштирамиз. Эртаги экинларни деярли экиб бўлдик. Ҳадемай, рединска, барра пиёзларни ва бошқа резавор экинлар ҳосилини топшириш бошланади. Ундан сўнг плёнка тагига экилган карам ва картошка етилади. Хуллас, кун сайин ишларимиз жадаллашиб кетяпти. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, биз ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланамиз. Бир майдондан икки-уч маротаба ҳосил олишга эришаётирмиз. Шу боисдан ҳам хирмонимиз баракали бўляпти.

Биз совхоздан қайтар эканмиз, эл маъмурчилиги йўлида меҳнат қилаётган Калинин районидаги бу пешқадам хўжалик деҳқонларига янгидан янги зафарлар тиладик.

Ю. ЗИЁДОВ.



Тошкент области. Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози деҳқонлари маккажўхори экишни қизғин давом эттиришяпти. Бу ерда 3 та экиш агрегати унум билан ишлатилиб, ҳар куни 30 гектар майдонга уруғ ташланмоқда. Колхоз маккажўхорикорлари гектаридан 100 центнердан дон, 400 центнердан кўк поя олишга қарор қилишган. Суратларда: маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Т. Содиқов ҳамда маккажўхори экишда фаол қатнашаётган Р. Содиқов ўртоқлар. Пастда — колхоз далаларида маккажўхори экиш пайти.

А. Тўраев фотолари.

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Маиший хизмат масалалари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети XXV съездига Ҳисобот докладида шундай деган эди: «Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш ва аҳолининг хилма-хил моллар, кўрсатиладиган хизматга эҳтиёжини тўлароқ қондириш билан чамбарчас боғланган». Бу сўзларда совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада кўтаришда маиший хизмат соҳаси ҳам муҳим роль ўйнаши ифодаланган.

Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида Қашқадарё областида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва усулларини такомиллаштириш, моддий-техника базасини янада тараққий эттириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Янги-янги корхоналар ишга туширилди, эскилари қайта жиҳозланди. Қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш, айниқса, тез тараққий этмоқда. Буюртмаларни муддатидан олдин бажариш уйда, иш жойида хизмат кўрсатиш формалари тобора кенгаймоқда.

Қашқадарё область партия комитети, область Совети ижроия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари кейинги йилларда маиший хизмат корхоналарига раҳбарликни кучайтирдилар. Уларнинг фаолиятини чуқурроқ таҳлил қиладиган, илғор тажрибаларни умумлаштириб, жойларда мунтазам амалий ёрдам кўрсатадиган бўлиб қолдилар.

Буларнинг барчаси ижобий самара бермоқда. Область маиший хизмат ходимлари беш йилликнинг тўрт йили планини муддатидан олдин бажариб, аҳолига 26.776 минг сўмлик хизмат кўрсатдилар. Ўтган йил охиригача меҳнаткашларга пландан ташқари 500 минг сўмликдан ортиқ хизмат кўрсатилди.

Кейинги йилларда областда замонавий лойиҳалар асосида қурилган, техниканинг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган ажойиб корхоналар пайдо бўлди. Ўтган йили Китоб шаҳрида маиший хизмат уйи қурилди. 50 га яқин турли устахоналар ва комплекс қабул пунктлари очилди. Янги объектларнинг қурилиши кенг авж олмоқда. Ишлаб турганлари эса реконструкция қилинмоқда. Косонсойда ҳар сменада 500 килограмм кир ювиш қувватига эга бўлган ҳаммом-кирхона қурилмоқда. Қаршида 30 ишчи ўринга эга бўлган ғўзаллик салони қад кўтармоқда. Усмон Юсупов ва Нишон район марказларида 7—8 хизмат турига эга бўлган маиший хизмат уйлари қуриляпти. Қатор район марказларида комплекс қабул пунктлари барпо этилмоқда.

Ҳозирги кунда область меҳнаткашларига 80 та маиший хизмат уйи, 68 та комплекс қабул пункти, 500 дан ортиқ турли ателье, устахона, цехлар хизмат кўрсатмоқда.

Малакали маиший хизмат кадрларига бўлган талаб йил сайин ошмоқда. Ўтган йили Яккабоғ ўқув комбинатини тугатган 300 га яқин ёш мутахассислар шу соҳада ишлаш учун йўлланма олдилар. Бундан ташқари якка тартибда 200 дан ортиқ оммавий касб ишчилари тайёрланди ва шунча киши ўз малакасини оширди.

Ишлаб чиқаришни соҳалар бўйича ихтисослаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Соҳалар бўйича область ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш бирлашмалари область бўйича маиший хизмат ҳажмининг ярмидан кўпроғини бажармоқдалар. Аҳолининг маиший хизматга бўлган талабини максимал қондириш, хизмат кўрсатишда қулай шароитлар яратиш — маиший хизмат ходимлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Хизмат ҳамма учун ва ҳар бир киши учун — маиший хизматни шундай деб ҳам аташади.

Социологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, одамлар вақтининг 40 процентга яқини уй-рўзғор ишларига, кир ювиш, уй-жойларни йиғиштириш ва бошқа ишларга кетади. Маиший хизмат корхоналари хизматидан фойдаланиш тахминан уй-рўзғор ишларига кетадиган вақтни тахминан 6 марта камайтиради. Шунинг учун ҳам партия, касаба союз ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари келгуси беш йилликда маиший хизмат сохасини янада тараққий эттиришга катта эътибор бермоқдалар. Қишлоқ жойларида ҳам шаҳарликларга бўлгани каби комплекс хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир областда 68 қишлоқ комплекс қабул пунктлари ва 80 маиший хизмат уйлари ишлаб турибди.

Ғузор, Шаҳрисабз, Қарши, Китоб, Қамаши, Чироқчи ва Косонсой район маиший хизмат комбинатлари коллективлари комплекс қабул пунктлари тармоғини тараққий эттиришда ва ички система кооперацияси ҳажмини кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу районларнинг деярли барча колхоз ва совхозларида қабул пунктлари ташкил этилган.

Маиший хизмат усталари дала шийпонларига, чорвачилик фермаларига, бригадаларга тез-тез бормоқдалар. Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш имконини беришини яхши тушунадилар. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш ўртасидаги тафовутни йўқотиш соҳасида янги қадам ташланди.

Қишлоқ меҳнаткашларига баҳорги дала ишлари ва кузги йиғим-терим ишлари даврида хизмат кўрсатишга жиддий эътибор берилиятпи. Ўтган йиғим-терим мавсумида кўшимча 26 та кўчма сайёр бригада ташкил этилди.

Маиший хизмат корхоналарида янги-янги хизмат турлари ва формалари жорий этилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 10 га яқин хизмат турлари ўзлаштирилди.

Маиший хизмат соҳасида эришилаётган ютуқлар кўп жиҳатдан социалистик мусобақа қандай ташкил этилганлигига ҳам боғлиқдир. Район маиший хизмат комбинатлари, маиший хизмат уйлари, цехлари, устахоналари, комплекс қабул пунктлари ,сайёр бригадалар ўртасида мусобақа ташкил этилган. Мусобақа якунлари мунтазам кўриб чиқилади. Ғолиблар аниқланиб, улар рағбатлантирилади. Ғолибларга вимпеллар, шаҳодатномалар, пул мукофотлари топширилади. Мусобақа кўрсаткичлари, цехлар, ательелар, устахоналар, комплекс қабул пунктларининг кўзга кўринарли жойларига осиб қўйилган. Шунингдек, мусобақа ғолиблари корхонанинг Ҳурмат тахтасига ва Ҳурмат китобига ёзилади.

Ўтган йил биринчи, иккинчи ва учинчи кварталдаги социалистик мусобақада эришган ютуқлари учун Ғузор, Китоб, Ульянов, Усмон Юсупов, Чироқчи, Қарши район маиший хизмат комбинатлари ғолиб чиқдилар. Бу коллективлар Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш область бошқармаси, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба союзи область комитетининг кўчма Қизил байроғи, пул мукофоти ва қимматбаҳо совғаларни олишга муваффақ бўлдилар.

Область маиший хизмат бошқармаси корхоналарида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш мусобақаси тобора авж олмоқда. Ҳозир 184 киши коммунистик меҳнат зарбдори, 21 бригада ва 5 та цех ана шу юксак номга эга. 475 киши, 29 бригада ва 7 цех ана шу юксак номни олиш учун курашмоқда. 40 кишининг кўкрагида «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» белгиси порлаб турибди. Юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари орден ва медаллар билан мукофотланганлар, маҳаллий Советлар депутатлигига сайланганлар.

Маиший хизмат ходимлари олдида улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Беш йилликнинг якунловчи йилида улар аҳолига ўтган йилдагига нисбатан 13 процентдан ортиқроқ хизмат кўрсатишлари лозим. Хизматнинг айрим турлари тез суръатлар билан ривожланади. Қўплаб комплекс қабул пунктлари ташкил этилади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш район партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу йил колхоз ва совхозларда яна 30 та комплекс қабул пунктлари ташкил этилади. Кўчма қабул пунктлари учун бир нечта махсус машиналар ажратилади.

Шу кунларда область маиший хизмат ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йилликнинг якунловчи йили топшириклларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумли меҳнат қилиб, буюртмачиларни хурсанд қиладилар.

А. МИНГУЛОВ,
«Узгипроцехбит» институти илмий-техника информацияси бўлими инженери.

Планетамизда

Социализм мамлакатларида

● «АТОМ ТИНЧЛИК ХИЗМАТИДА»

Прагада атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида Чехословакия — Совет ҳамкорлигининг тарихи ва муваффақиятларини кўрсатувчи «Атом тинчлик хизматида» деб аталган виставка очилди. Бу виставка шу соҳада Совет Иттифоқининг Чехословакия Республикасига илмий-техникавий ёрдами тўғрисидаги шартноманинг чорак асрлик юбилейига бағишланган.

Чехословакия атом энергияси комиссияси раисининг биринчи ўринбосари К. Барабас ТАСС мухбирига бундай деди: мамлакат жамоатчилиги шу соҳада СССР билан ЧССР ўртасидаги ҳамкорликка катта аҳамият беради. Ўтган чорак аср мобайнида Совет Иттифоқининг ёрдами туфайли республикада ядро энергетикасини ривожлантириш юзасидан катта илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. Ҳозир Чехословакия атом электр станциялари учун асосий асбоб-ускуналар, ишлаб чиқараётган жаҳондаги ўнта мамлакатнинг бири ҳисобланади.

ЧССР атом электр станциялари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш программасини амалга оширишда ҳам актив катнашмоқда.

● ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Болгарияда бу йил химия жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Шу тармоқ маҳсулоти ҳажми 13 процент ошади. Бу ўсиш асосан янги қувватларни ишга тушириш ва ишлаб чиқариш структурасини янада такомиллаштириш йўли билан таъминланади.

Бу йил тармоқда меҳнат унумдорлиги 16 процент кўпайтирилади. 300 дан ортиқ илмий-техникавий ечимларни жорий этиш планлаштирилган. Бу эса ялпи маҳсулотнинг 12 процент кўпайишини таъминлайди, деб мўлжалланмоқда.

● ЯНГИ УЙ-ЖОЙ РАЙОНИ

Келажакда ГДР пойтахтининг энг катта уй-жой массиви бўлиб қоладиган Марцан массиви қурувчилари 9 минг замонавий обод квартиранинг калитини топширдилар. Шу серқуёш баҳор кунларида кўп қаватли корпуслар айниқса гўзал бўлиб турибди. Шу массивлар қуриб битказилганидан кейин Берлиндаги 100 минг яқин меҳнаткаш қулай уйларда истиқомат қила бошлайди.

Гарчи Марцан массиви ГДР бинокорларининг ифтихори ҳисобланса ҳам, лекин у мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламдаги уй-жой қурилишини тўла акс эттира олмайди. Лейпциг ва Магдебургда, Котбус ва Росток шаҳарларида ҳам худди шундай массивлар қад кўтарган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса кўп зарар кўрган Дрезден, Карл-Маркс-Штадт, Одердаги Франкфурт шаҳарлари ҳақиқатда тамомила янгидан қурилди. Республика меҳнаткашлари шу беш йиллик мобайнида гина 640 мингтадан кўп янги ёки капитал ремонтдан чиққан квартираларга кўчиб кирдилар.

● НЕФТЬ ТОЗАЛАЙДИГАН ҚУРИЛМА

Руминиянинг «Тележан» нефть тозалаш заводида ишга туширилган нефть ва дизель ёқилғиси тозаловчи қурилма ҳар йили қариб 1 миллион тонна нефтни қайта ишлай олади.

Ҳамма ишлаб чиқариш жараёнлари тўла автоматлаштирилган. Бу эса қурилмани ўта оператор бошқариши имконини беради. Қурилманинг ишга туширилиши шу беш йилликда Руминия нефть химияси саноати ходимлари ўз зиммасига олган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришига ёрдам беради.

(ТАСС).

Ф. Кастронинг мактуби

ГАВАНА, (ТАСС). Пресса Латина агентлигининг хабар беришича, Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси, блокларга қўшилмаган давлатлар ҳаракатининг Раиси Фидель Кастро Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармалга ва Покистон президенти Зиёул Ҳақга мактуб йўллади.

Мактубни Куба ташқи ишлар министри И. Мальмиерка топширди. Агентликнинг хабар беришича, мактуб Жануби-Ғарбий Осиёдаги аҳволга доир масалага тааллуқлидир.

АФҒОНИСТОН ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

КОБУЛ, 31 март. (ТАСС). АДР ички ишлар министрлигининг Кобул телевидениеси орқали эшиттирилган ахборотида Американинг Кобулдаги элчиси Дабс ўлдирилишининг баъзи бир тафсилотлари айтиб ўтилади. Ахборотда, жумладан, бундай дейилади: Бир группа «номаълум террорчилар» ҳужуми қурбони бўлган АҚШ элчисининг 1979 йил 14 февралда ҳалок бўлганлиги «сир-асрори» тобора ойдинлашмоқда.

Империалистик доиралар ва АҚШ Марказий разведка бошқармасининг агенти эканлиги рад этиб бўлмайдиган даражада аниқланган Амин тўдасининг жиноий ишларини умумий тафтиш қилиш доирасида АДР ички ишлар министрлиги «Дабс иши» юзасидан қўшимча тергов ўтказмоқда.

Шу нарса аниқландики, тўрт террорчининг ҳаммаси диний ташкилотнинг аъзоси бўлган ва Амин билан унинг юқорилари мусулмонларни кўплаб асоссиз репрессия қилганлигига қарши чиққанлар. Гувоҳлардан бири айтганидек, ана шу террорчилар «АҚШнинг Кобулдаги элчихонаси Амин билан алоқада эканлигини тан олишга америкаликларнинг ўзини мажбур этмоқ учун энг сўнггги чораларга ҳам тайёр» бўлишган.

Тергов давомида 14 февралдаги воқеалар яна синчиклаб анализ қилинди. Бунда терговчилар шунга эътиборни жалб қилдиларки, Дабсни озод этиш операциясининг қатнашчилари террорчилар билан уларнинг қурбони жойлашиб олган «Кобул» отелидаги ўша хонани штурм қилишга қатъиян ва астойдил қарши чиқиб, бунинг ҳеч бир ҳожати йўқ, чунки улар қуршаб олинган ва маъмурларга муқаррар таслим бўладилар, деб уқтирдилар. Шунга қарамай, Амин штурмни бошлаш ва «шафқатсиз ҳаракат қилиш» тўғрисида буйруқ берди. Отишма бошланиб кетди, элчи оғир ярадор бўлди. Тез орада террорчиларнинг бири ўлдирилди, бошқа бири эса жароҳатланди, иккі террочи асир олинди. Бироқ, шундан кейинги кунларда улар ғойиб бўлишди. Улар Аминнинг буйруғи билан йўқ қилиганлигига, шу тарика Амин фош бўлишдан бехатар қилиб қўйилганлигига шак-шубҳа йўқ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● КОБУЛ

Афғонистон Бахтар ахборот агентлиги билан ТАСС ўртасида бевосита икки томонлама алоқа ўрнатилди. Маҳаллий газеталар бунга катта аҳамият бермоқдалар ва иккала агентлик ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши АДР билан СССР ўртасида яхши қўшничилик, ҳар тарафлама ҳамкорликнинг кўринишларидан бири эканлигини таъкидламоқдалар. Бахтар ва ТАСС агентликларининг раҳбарлари шу муносабат билан бир-бирларини табриклаб телеграмма юбордилар.

● АНҚАРА

Туркия пойтахтида метрополитен қуришга тайёргарлик ишлари бошланди. Пойтахт маркази билан шаҳарнинг ғарбий томони ўртасидаги туташтирувчи линиянинг умумий узунлиги 25 километрдан иборат бўлади. Қурилишнинг икки йилга мўлжалланган биринчи босқичида уч ярим километр узунликдаги 5 станциядан иборат трасса қурилади. Анқара метроси қурилиши 1990 йилда ниҳоясига етади.

● АММОН

Бу ерда Ислом конференцияси ташкилотининг Қуддусга бағишланган махсус мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари Исроил босқинчиларининг Қуддусдаги бош мачитда ўтказаётган археологик қазиш ишлари хусусида ғоят ташвишланаётганликларини билдирдилар. Қуддусдаги бу мачит Маккадан кейин исломнинг иккинчи муқаддас катта мачити ҳисобланади.

«Комитет барча мусулмонларга, бир қанча халқаро ва регионал ташкилотларга мурожаат қилиб, исломнинг Қуддус шаҳридаги муқаддас жойларини сақлаб қолишга ёрдам беришга даъват этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари номига юборилган телеграммада шу нарса таъкидланадики, Исроил босқинчиларининг бу ҳаракатлари босиб олинган араб территорияларида археологик қазиш ишларини тақиқлаш тўғрисида БМТнинг махсус қарорини қўпол равишда бузишдан иборатдир.

(ТАСС).

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 31 март. (ТАСС). Швейцариянинг Теҳрондаги элчихонаси орқали Эрон раҳбарларига АҚШ президенти Ж. Картернинг мактуби топширилганлиги тўғрисида матбуотда эълон қилинган хабарлар Оқ уйни саросимага солиб қўйди. Теҳрон радиосининг эшиттиришида айтиб ўтилганидек, ана шу мактубда Картер АҚШ Эронга нисбатан ўтказган сиёсатида «хатоларга йўл қўйганлигини» тан олган.

Оқ уйнинг расмий вакили Ж. Пауэлл кеча матбуот конференциясида ғоят чалкаш гапларни айтди. Бир томондан, у ана шундай мактуб топширилганлигини рад этди, иккинчи томондан эса Швейцария ҳукуматининг у АҚШ билан Эрон ўртасида дипломатия йўли билан фикрлашиб олишда воситачилик ролини бажарганлиги ҳақидаги баёноти тўғри эканлигини таъкидлади. «Вашингтон пост» газетаси Оқ уй вакилининг позициясини шарҳлаб, уни «чалғитувчи позиция» деб атайди.

Ваҳолонки, матбуот хабарларига кўра, кейинги икки кун ичида Вашингтон Эрон раҳбарларига камида икки мактуб йўллаган, бунда АҚШ «ўз хатоларини эътироф этишга» тайёр эканлигини билдирибгина қолмай, балки шу мамлакатга нисбатан яна дўқ-пўписалар қилди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг Теҳрондаги мухбири бугун қуйидагиларни ёзади: «Якшанба куни президент Банисадр президент Картердан мактуб олди, бу мактуб дўқ-пўписа руҳида ёзилган мактуб деб баҳоланмоқда. Гарчи Банисадр тафсилотларни маълум қилмаган бўлса-да, бу мактубда агар Эрон гаровга олинган америкаликларни озод қилиш чораларини кўрмаган тақдирда Кўшма Штатлар муайян ишларни қилиши тўғрисида огоҳлантирилган деб ҳисобламоқдалар». Автор Банисадрнинг яқин ёрдамчиси сўзларига асосланиб, Банисадрнинг Америка мактуби Эронга қўйилган ультиматумдир деган гапини келтиради.

Шу газетанинг Вашингтондаги мухбири таъкидлаб ёзадики, АҚШ ўзининг Ғарбдаги иттифоқчилари билан биргаликда «Эронга тазйиқ ўтказиш ва уни гаровга олинган кишиларни озод қилиш чораларини кўришга мажбур этиш мақсадида дипломатия йўли билан зўр кучғайрат сарфламоқда. Аксинча, Эрон яна иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйилади».

Маъмурият, деб давом қилади мухбир, Эронга нисбатан репрессия чораларини кўришга, «шу жумладан савдо-сотиқни тақиқлаш ва дипломатия вакилларини камайтириш»га мойиллик қилмоқда.

ТЕҲРОН, 31 март. (ТАСС). Ислом революцион кенгаши АҚШ президенти Картернинг Эрон раҳбарларига Швейцариянинг Теҳрондаги элчихонаси орқали йўллаган мактубининг мазмунини муҳокама қилди. Эрон ташқи ишлар министри С. Қутбзода кенгашнинг мажлиси тугагандан кейин журналистларга берган баёнотида «Мактубнинг ҳақиқийлигига заррача ҳам шубҳа йўқ», деб таъкидлади.

Эрон президенти А. Банисадр ҳам Картернинг мактубини олганлигини маълум қилди. Бу мактубда Эрон ҳукумати гаровга олинган америкаликларга нисбатан «илгари берган қандайдир ваъдаларни» бузганлиги муносабати билан таъналар қилинган. Банисадр Америка президентига йўллаган жавобида Эрон ўз манфаатларини эътиборга олади ва ана шу манфаатларга мувофиқ иш кўради, деб уқтирди. Бундан ташқари Эрон ҳукумати Америка томонига гаровга олинган кишилар хусусида ҳеч қандай ваъдалар берган эмас. Бироқ, АҚШ президентининг бизга мурожаат этганлиги фактининг ўзи, деб илова қилди Банисадр, бизнинг ҳақ эканлигимизни тасдиқлайди.

БЕРН, 31 март. (ТАСС). Швейцария ташқи ишлар федерал департаментининг матбуот атташеси президент Картернинг мактуби Эрон президенти А. Банисадрга Швейцариянинг дипломатия каналлари орқали топширилганлигини журналистларга маълум қилди. Мактубда Эрон—Америка можаросини бартараф этиш шартлари баён этилган.

ЧАДДАГИ ВАЗИЯТ

ПАРИЖ, 1 апрель. (ТАСС). Чадда ғоят кескин вазият давом этмоқда. Миллий бирлик ўтиш даври ҳукуматига қирғин ва бир-бири билан рақобатлашаётган қарбий-сиёсий гуруҳлар ҳали ҳам низони бартараф этиш тўғрисида ўзаро келиша олмаяптилар. Ўт очишни тўхтатиш тўғрисида кейинги кунларда тузилган учта битим кетма-кет бузилмоқда.

Пойтахт Нжамена шаҳри кўчаларида қонли жанглар давом этмоқда. Бу жангларда артиллерия ва миномётлар кенг қўлланилмоқда. Шаҳар марказидаги пойтахт бош касалхонасига иккита бомба тушди. Сўнгги маълумотларга қараганда Халқаро қизил крест бу касалхонадан юзга яқин кишини олиб кетишга муваффақ бўлди. Аҳоли шаҳарни ташлаб кетмоқда.

Франс-Пресс агентлигининг хабар беришича, мамлакатнинг бошқа районларида ҳам бир-бирига душман гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда.

Африкадаги барча мамлакатлар ва жаҳон жамоатчилиги Чаддаги аҳволдан ғоят ташвишга тушди. Камерун билан Судан уруш ҳаракатини тўхтатишга даъват этдилар. Африка Бирлиги ташкилоти раисининг махсус элчиси, шунингдек Африка бирлиги ташкилоти секретариатининг вакили ўт очишни тўхтатиш тўғрисида музокаралар ўтказишда воситачилик мақсадида Нжамена шаҳрига келишни кутилади.

АХБОРОТ

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

Пахтаобод райони матлубот жамияти правлениесининг 852 нафар ишчи-хизматчиси «Қизил шанбалик» куни ўз меҳнат постларини эрта тонгданоқ эгаллашади. Шу куни район меҳнаткашларига 75 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилади. Ободончилик тадбирлари кўрилади. Кун бўйи қилинган меҳнат эвазига тушган ҳақнинг бир қисми ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

М. ХОЛМИРЗАЕВА,
Андижон области.

АТЛАСЧИЛАР АҲД ҚИЛИШДИ

Наманганди «КПСС XXV съезди» аврли газламалар комбинати коллективи «Қизил шанбалик» куни амалга ошириладиган ишлар юзасидан кенгайтирилган тадбирлар ишлаб чиқди. Меҳнат байрами куни корхонанинг 1600 дан ортиқ ишчи-хизматчиси жонбозлик билан ишлаб, 16500 метр маҳсулот ишлаб чиқаради. Ғ. Ғозиев, С. Мирдадаев, Ғ. Набижонов, Ф. Жалолов сингари ўнлаб тикувчилар ҳар қачонгидан унумли ишлаб, ўша куни шахсий беш йиллик топшириқларини ошириб бажаришга қарор қилишди.

Комбинатнинг бир группа ишчи-хизматчиси «Ороғоҳ» дам олиш зонасида бўлиб, ободончилик ишларини бажаради.

М. ҒАФФОРОВ.

ҲАМКОРЛИК БИЛАН

Ульянов пахта тозалаш заводи коллективи «Қизил шанбалик» куни 30 тоннага яқин сифатли тола ишлаб чиқаради. Тўра Усмонов бошлиқ бригада шу куни 10 тоннадан ортиқ тола ишлаб чиқариш ташаббусини бошлаб берди.

Завод территориясини ободонлаштириш, дарахтларни оқлаш, гул кўчатларига ишлов бериш ишларига катта эътибор берилади.

Ж. ЮСУПОВ.

* * *

Шунингдек, хоразмлик **В. Матқурбонов**, андижонлик **Р. Тошканов, И. Султонов, Ў. Холиқов, А. Муқимов**, наманганлик **А. Насриддинов, А. Қорабоев, Ю. Шарипов**, қорақалпоғистонлик **Ў. Холматов, К. Мусаев**, фарғоналик **С. Нишонбоев**, самарқандлик **Н. Эшқувватов** ва бошқалар ҳам жойларда «Қизил шанбалик»ни юксак уюшқоқлик билан ўтказиш йўлида кўрилаётган тадбирлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ОММАВИЙЛИК ЙУЛИДА

ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТ

Фарғона областида кейинги йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Шу билан бир қаторда областимиз ёшларини жисмоний тарбия ва спорт ишларига жалб этиш бўйича ҳам дуруст натижаларга эришилмоқда. Жисмоний тарбия борган сари оммавийлик касб этмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг физкультура ва спортни янада ривожлантиришга бағишланган қарорлари область партия, совет ташкилотлари диққат марказида бўлаётир.

Ҳозир область шаҳар ва қишлоқларида 383 минг физкультурачини уюштириб турган 1055 спорт коллективи фаолият кўрсатмоқда. Спортчиларнинг аксарияти ишчилар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, ўқувчи ҳамда студентлардир. Қариб 414 минг киши оммавий разрядли спортчи, 393 мингдан кўпроқ йигит-қиз ГТО нишондорларидир. Областимизда 3 халқаро классли спорт мастери, 154 спорт мастери ҳамда 6472 нафар спорт мастерлигига номзод бор. Фарғоналик ёшлар республика терма командаси сосТавида Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда совет спорти шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Биз Евгения Савельева, Ирина Веденева, Александр Кузнецов, Александр Картунов, Эдуард Фатиков, Николай Захаров, Светлана Панина, Владимир Юдин сингари спортчиларимиз билан фахрланамиз. Моҳир спортчиларимиз кейинги йилларда Бутуниттифоқ ва Европа мусобақаларидан 8 та олтин, 12 та кумуш ва 15 та бронза медали билан қайтдилар. Халқаро классли спорт мастери, курашчи Э. Фатиков, спорт мастерлари, енгил атлетикачилардан Галина Кондрина билан Олим Сафаровлар Москва Олимпиадасига номзод сифатида жаҳон спортчиларининг анжуманига ҳозирлик кўрмоқдалар.

Қобилиятли спортчиларни тарбиялашда областдаги мавжуд 35 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган йилнинг ўзида Қўқон ва Фарғона шаҳарларида ҳам ана шундай мактаблар очилди. Жисмоний тарбиянинг бундай масканларида малакали тренерлардан 180 нафари ёшларга маҳорат сирларини ўргатмоқда. Ўтган йил мобайнида ана шу мактаблар бағридан 2 спорт мастери, 127 спорт мастерлигига номзод ва 290 дан зиёд биринчи разрядли спортчи камол топди. Бундан ташқари маҳоратли спортчилар тарбиялашга эътиборни кучайтириш мақсадида Олимпиада резервлари мактаби ҳам очилган. Бу ерда юзлаб ёшларга тажрибали ўқитувчилар устозлик қилишяпти.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини очиш масаласига колхоз ва совхозларда ҳам жиддий аҳамият бериляпти. Чунончи, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози коллективининг ташаббуси, айниқса ибратлидир. Шундан кейин мазкур райондаги «Ўзбекистон» совхозида ҳам ана шундай мактаб барпо этилди. Киров, Ленинград районлари, Қувасой шаҳри ва бошқа жойларда ҳам спорт масканлари очиш юзасидан қизғин иш олиб бориляпти. Ҳар йили ўрта таълим мактаблари, билим юртларига, қолаверса физкультура ва спорт жамиятларига ўнлаб малакали спортчи мутахассис кадрлар таклиф қилинмоқда. Бундай кадрлар Фарғона ҳамда Қўқон педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетларида таҳсил олмоқдалар. Шу ўринда Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган область олий спорт маҳорати мактабида қўлга киритилаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бир неча йилдирки, бу мактаб спорт мастерлари ва мастерликка номзодлар тайёрлаш манбаи бўлиб қолди. Физкультура ва спортнинг оммавийлигига эришишда «Ёш куч», «Пахтакор», «Меҳнат», «Спартак», «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятларида ҳам самарали иш қилиняпти.

Жисмоний тарбия ва спорт ишларига аҳолини кўпроқ жалб этиш спортнинг оммавийлигини таъминлашда катта роль ўйнаши ҳаммага аён. Шу боисдан инсон саломатлиги ва жисмоний баркамоллигининг муҳим омилларидан ҳисобланган физкультура ва спортни турмушга янада сингдириш мақсадида уй-жой бошқармалари ва ЖЭКлар йўли билан турли мусобақалар ва машқлари мунтазам ўтказиш учун қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. ГТО комплекси нормативларини ўз вақтида топшириш алоҳида эътибор берямиз. ГТО нишондорлари сафини кенгайтириш учун жойларда махсус жамоатчи комиссиялар иш кўрмоқда. Меҳнат коллективларида бу нишонларни қўлга киритиш учун қизиқиш ортиб бораётир.

Область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети жойларда физкультура ва спортни янада оммавийлаштириш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Янги спорт комплекслари барпо этилди. Областдаги 21 стадион, 257 спорт зали, 273 мерганлик тири, 21 сузиш бассейни, 3,5 мингдан зиёд спорт майдончаси физкультурачилар ихтиёрида. Қува, Ўзбекистон ва Киров районларида янги спорт иншоотлари қурилиши амалга ошириляпти. Фарғона районидаги Ленин номли колхоз территориясида замонавий отчопар барпо этилаётир. Кейинги йиллар область шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб спорт иншоотлари, тўртта стадион, 13 та спорт зали, 16 мерганлик тири ва бир қанча сузиш бассейнлари вужудга келтирилди. Қува, Охунбобоев ва Риштон районлари чавандозлик мактабларида машғулотлар мунтазам ўтказиляпти.

Кўриннб турибдики, областда физкультура ва спортни ривожлантиришга шу куннинг энг муҳим масаласи деб қаралмоқда. Албатта, бундан областимизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари намунали йўлга қўйилган, деган хулоса келиб чиқмайди. Бу соҳада ҳали амалга ошириладиган ишлар, ечилиши зарур бўлган масалалар анчагина. Айниқса, қишлоқ жойларда физкультура ва спортнинг оммавийлигига эришиш талаб даражасида эмас. Кўпгина районларда, колхоз ва совхозларда спорт иншоотларини қуриш суст олиб борилаётганлигини эътироф этишимиз керак. Мавжуд спорт комплекслари моддий техника базасини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шунингдек, область шаҳар ва қишлоқларида спортнинг кам ривожланган турларини оммалаштиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Халқ депутатлари область Совети ва унинг жойлардаги органлари, физкультура ҳаракати оммавийлигини оширишда спорт ташкилотлари ҳал этиши лозим бўлган долзарб вазифаларни белгилаб, уларнинг изчил амалга оширилишини қатъий назорат қилиб борадилар. Шубҳа йўқки, Фарғонадаги барча спорт коллективлари чиниқиш ва ғалабалик мактабига айланади. Областимиз вакиллари республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилишга бундан буён ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

Т. ЭГАМБЕРДИЕВА,
Халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ШАШКА:

КУМУШ МЕДАЛЬ

Москва областининг Тарасовка қишлоғида халқаро шашка бўйича «Спартак» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг чемпионати ўтказилди. Мамлакат биринчилигининг финал ўйинларига кучлиларни саралаш тарзида ўтказилган мазкур баҳсда республикамиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Жумладан, спорт мастери тошкентлик Озода Аҳмедова билан ёш шашкачи С. Логачева дона суриш учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказдилар. Мусобақа ниҳоясида минсклик И. Пашкевич 12 имкониятдан 11 очко тўплаб ғолиблик қилди. О. Аҳмедова билан И. Спасская (Ленинград) 9,5 тадан очко жамғариб, фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. С. Логачева эса етти очко билан олтинчи бўлди. У спорт мастерлигига номзод нормативини бажарди.

Е. ЧЕРКАССКИЙ,
спорт мастери.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СОВРИНДОРЛАР

Гулистондаги «Спартак» стадионида «Сирдарё ҳақиқати» в «Сирдарьинская правда» газеталари соврини учун область мусобақаси ўтказилди. Совриндорлик баҳсида шаҳар ва районларнинг 170 нафар спортчиси иштирок этди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган Сирдарё шаҳар енгил атлетикачилари команда ҳисобида пешқадамлик қилишди. Гулистон шаҳар ва Сирдарё области вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

● **ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари мавсумни ниҳоясига етказдилар. Сўнгги учрашувларни муваффақиятли ўтказган бинокорчилар хавфли зонадан чиқиб, мавқеларини мустаҳкамлашди. Улар кучли ўн коллектив қаторидан жой олиб турибдилар.

● **ВОЛЕЙБОЛ.** Москвада тўрт команда олий лигага ўтиш учун имкон берадиган икки йўлланмадан бирига даъвогарлик қилялпти. Тошкентлик динамочилар кетма-кет ғалабага эришиб, олий лигага йўлланма олишди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
3—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ ТОМОШАЛАРИ
ҚАТНАШАДИЛАР:

Ленинград Давлат муз устида балетининг солистлари: XI Олимпиада ўйинларининг ва Жаҳон, Европа биринчиликларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги спорт мастери ЛЮДМИЛА СМИРНОВА;

XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери АЛЕКСЕЙ УЛАНОВ;

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар — ЛАРИСА ЛИТВИНЕНКО ва ИРИНА ФИЛИППОВА.

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.

БИЛЕТЛАР СПОРТ ЗАЛИ, СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ ВА БОШҚА ТЕАТРЛАРНИНГ КАССАЛАРИДА ҲАМДА РАЙОН КАССИРЛАРИ ТОМОНИДАН СОТИЛАДИ.

46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари буйича справкалар олиш мумкин.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трести базасидаги
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЕРЛАЙДИ: ёритиш ва ёритгич тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоғи ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, газ-электр пайвандчи, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электр монтажчи контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат қилиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирган ўқувчилар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирган ўқувчиларга (киномеханиклардан ташқари) ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига иш ҳақининг 50 проценти, қолганларга эса 33 проценти берилади.

Совет Армияси safidan қайтиб келиб электромонтажчи ихтисосига кириб ўқийдиган йигитларга ётоқхона берилади, ўқиш муддати қисқартирилади (ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ой). Машғулотлар группалар комплектланганда сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юртидаги яхши спорт базасида 13 та спорт секцияси, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржима ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка. 3х4, см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (45, 33, 34, 10, 79, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар, 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар, 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IVда **Келинлар кўзголони**, 3/IV **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/IV да **Гулбаҳор қани**, 3/IV да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 3/V да **Ишқ қурбонлари** (19.00).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Урганч шаҳар абонентларига чиқиш тартиби ўзгарганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Урганч шаҳри билан автомат телефон алоқасига чиқиш учун олдин 8 рақамини, сўнгра 36222 рақамларини териб, кейин Урганчдаги беш рақамли телефон номерини териш зарур.

Урганч шаҳридаги справка хизматнинг телефони — 62-222.

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ КИТОБ ВА ЕЗУВ АШЁЛАРИ БАЗАСИГА

бухгалтерлар, склад мудирлари, шоферлар, ишчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофотли,

Ишчиларга база транспорти хизмат кўрсатади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, К. Шарипов кўчаси, 53«а»-уй (103, 130-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вирус-риккетсиоз лабораториясининг катта илмий ходими вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Кафанов кўчаси, 93-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти коллективи институтнинг катта инженери Ҳ. Ғ. Яхёевага отаси

Ғани ЯҲЁЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Халқ маорифи бош бошқармаси, Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз ташкилоти ва 22-мактаб коллективлари шу мактабнинг синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси Қ. Оппоқхўжаевга ака-си

Тўрахўжа ОППОҚХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи нашриёт тарих-география редакциясининг редактори А. Раҳимовага отаси

Убайдулла Раҳимович РАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● Урта Осиё геология ва минерал хом ашёси илмий-тадқиқот институти лабораторияларидан бирида оқава сувларни тозалаш, шунингдек ўрганилаётган конлар рудасининг технологик қимматини аниқлашда айланма сув таъминоти системасини ишлаб чиқиш устида изланиш олиб борилмоқда. Суратларда: лабораториянинг ижодкор ходимларидан инженер Н. Смикова билан техника фанлари кандидати И. Кагарлицкая (юқорида) техника фанлари кандидати И. Лапатухин билан инженер С. Файрадовалар тадқиқот натижаларини анализ қилишмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

Бутуниттифоқ ихтиочи ва рационализаторлар жамияти (ВОИР) республика бўлими правлениеси техника ва технологик иш жараёнларини муттасил такомиллаштириш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот сифати ва самарадорлигини узлуксиз ошириш, таннархини камайтириш борасида яхши ишларни амалга оширмоқдалар.

САМАРАЛИ ИХТИРОЛАР

Республика ВОИР жамияти ўз сафига салкам 60 минг ихтиочи ва рационализаторни бирлаштирган. Бу жамиятга ҳар йили халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларидан 60 мингдан кўпроқ рационализаторлик ва ихтиочилик таклифлари тушади. Бу таклифларнинг кўп қисми ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Ўтган йили ана шу рационализаторлик таклифларининг кўп қисми ишлаб чиқаришга жорий этилиб, жами 220 миллион 451 минг сўмлик қўшимча иқтисодий фойда олинди.

Республика ВОИР аъзолари ўнинчи беш йилликда рационализаторлик ва ихтиочилик таклифларидан жами 700 миллион сўмлик иқтисодий фойда қилиш мажбуриятини олишган. Шундан тўрт йил мобайнида 560 миллион сўмлик фойда олинди.

Республикада хизмат кўрсатган рационализаторлар Юрий Чиннов, Саломон Ким, Абдуҳамид Маҳсумов, Онажон Отаева, Талъат Ахтямов, Маузер Рустамов, Игорь Алимбек каби рационализатор ва ихтиочилар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кўплаб рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, қурилиш материаллари, хом ашё, электр энергияси, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғини тежаб қолиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва оғир қўлмеҳнати сарфини енгиллаштиришга эришмоқдалар.

М. АВЕЗОВ.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

БОҒЛАР БАРПО ЭТАЙЛИК

Она табиатнинг турли-туман ва битмас-тугаммас хазиналари, бойликлари, жумладан ёнғоқлар ҳам инсон учун хизмат қилади.

Ёнғоқзорларни кенгайтириш аввало тоғларни боғбўстонларга айлантириш демакдир. Тоғларнинг ўрмон-боғларга бурканиши фитоклимат яратади, об-ҳаво яхшиланади. Табиий офатлар —сел, довул, гармсел, эрозиялар олди олинади.

Ўлкамизнинг тоғ-адирларида йирик саноатбоп ёнғоқзорлар барпо этиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Чунончи, Тошкент якинидаги Бўстонлик райони, Коржонтоғ, Игом, Пском, Чотқол, Қурама тизма тоғларининг табиий шароити ёнғоқзорлар ташкил қилиш учун қоятда қулайдир. Бир вақтлар ўтиб бўлмайдиган қалин ўрмонзорда эндиликда ундабунда дарахт учрайди. Балки унинг эвазига яйловлар, ўтлоқлар кўпайиб қолган дерсиз? Йўқ, довдарахтлар у ёқда турсин, ўтўланлар ҳам сийраклашиб қолган. Ўрмонлар қисқариши туфайли тоғ ён бағрида жар ва ўнқир-чўнқирлар кўпайган, эрозия зўрайган.

Илмий тадқиқотларга кўра, Бўстонлик атрофларида бу ўзгаришлардан ташқари Пском, Чотқол, Қўксув, Угом дарёси сувлари кескин камайиб кетди. Бу ҳол экономикага ҳам, атроф муҳитга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бўстонлик районида ҳозир ҳаммаси бўлиб икки минг тупча ёнғоқ дарахти бор. Ҳолбуки бу ерда миллионлаб туп ёнғоқ кўкартириш мумкин.

Республикамизнинг ҳар бир областида ёнғоқзорлар барпо этиш имконияти бор. Жиззах областининг Туркистон, Нурота тоғлари, Самарқанд областидаги Зарафшон, Ҳисор тизма тоғлари, Қашқадарё, Сурхондарё областларидаги Ҳисор, Боботоғларда минг-минглаб гектар ерлар ёнғоқзорга айлантириш учун қулайдир.

Шу куннинг муҳим проблемаси тоғларни боғларга айлантиришдир. Бизнингча, республиканинг тоғли зоналарида бир миллион гектар ерда саноатбоп ёнғоқзорлар ташкил қилиш мумкин. Бунда энг аввало Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги министрликлари ва бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар ташаббус кўрсатишлари лозим. Янгидан пайдо бўлган ёнғоқзор ва ўрмонларда чорвачилик ва асаларичиликни ривожлантириш истиқболлари катта. Бу тармоқлар тўғри йўлга қўйилса, тоғ зонасидаги янги ерлар хисобигагина йилига бир неча минг тонна асал, сут етиштириш мумкин. Шу зайл яшил тоғлар бойлик манбаи ҳамда ҳаёт «фабрика»си — кислород билан таъмин этувчи зонага айланади.

Хуллас, ўлкамизни боғу-роғларга буркаш, табиий бойликларни кўпайтириш серқуёш республикамиздаги ҳар бир корхона, ташкилот ёки муассасанинг, ҳар бир кишининг азгу нияти, муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи керак.

М. ТУЧИЕВ.

ОЗОДАЛИК ГАРОВИ

Беруний шаҳрининг марказидан ҳар соатда 80 кишини қабул қиладиган ҳаммом ишга тушди. Кўркам бу бинони куриш ва унга безак беришда район қурувчилари билан бир қаторда наманганлик машҳур усталардан Тўрахон Иброҳимов, унинг ўғиллари Исмоилжон ва Эркинбой Иброҳимовлар ҳамда Ривожиддин Ғаниевларнинг ҳам хизматлари катта. Машҳур усталар ҳаммом биноси безакларини ишлашда миллий архитектура анъаналаридан кенг фойдаландилар.

М. МУХАНОВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.25 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм 2-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 16.10 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 16.55 — Концерт. 17.30 — Чанги спорти. 18.05 — Горничилар, қаердасиз? 18.35 — В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига. 19.15 — Дунё вокеалари. 19.30 — Совет композиторлари асарларидан концерт. 20.05 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 20.20 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Венгрия маданияти кунларининг очилиши. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Тўрт таниччи ва ит. Бадиий фильм, 5-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оқ йўл сенга. «Пахтакор»! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чигитни тез ва соз экайлик. 22.15 — Ленин Октябрда. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 — Назарий механика. 22.05 — Социалистик мусобақа пешқадамлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Санъат усталари концерти. 9.30—Ешлик куйлайди. 10.40—Лениннома программаси. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00—Қўзиларнинг мавсумининг пешқадамлари. 13.30 — Совет экрани куйлари. 14.00—Илғорлар намунаси чорлайди. 18.15—Узбекистан спортивний. 18.50 — Ҳаёт шодлиги. 19.20 — Саломатлик—туман бойлик. 19.45 —Ғижжак оҳанглари. 20.20 — Э. Топчи ижросида қўшиқлар. 21.00—Улуг Ватан урушида Совет халқи қозонган Ғалабанинг 35 йиллигига. 21.10 — Унутилмас учрашувлар. 21.30—Концерт. 22.30—Радио тингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.20—Дам олиш соатида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясн пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35, Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01888. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64533. Б. — 77. 6